

ФИКРГА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ

САЛИШЕВА ЗИЛОЛА ИСМАИЛОВНА

ЎзДЖТУ

***Ўзбек тили кафедраси катта
ўқитувчиси***



Машғулотнинг мақсади: Мавзу бўйича билимларнинг сифатли ва чуқур ўзлаштирилишига эришиш.

Дарснинг вазифалари:

- 1) Мавзуни онгли равишда ўзлаштиришнинг мотивациясини яратиш;
- 2) мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;



3) талабанинг ўзбек тилида фикрини эркин равишда баён этишига эришиш;

4) талабалар нутқини шакллантириш; 5) гуруҳларда мустақил ишлаш кўникмаларини чуқурлаштириш. 6)

Танланган матн ва мисоллар асосида талабаларда юксак инсоний фазилатларни шакллантириш.



Ўтилганларни такрорлаш

1) ТЕСТ

2) ГУРУХЛАРДА ИШЛАШ

3) АҚЛИЙ ҲУЖУМ



ЯНГИ МАВЗУ БАЁНИ



Гаплар тугалланган фикрларни
ифодалаш воситасидир. Айни
пайтда айрим сўзлар ва
бирикмалар ёрдамида
сўзловчининг ифодаланаётган
фикрга турлича муносабатини,
яъни шу фикрга қўшилиши, уни
инкор этиши, ўз шубҳаси, шодлиги
ёки ачиниши ва ҳоказоларни
билдириб келиши ҳам мумкин.



Кириш сўзлар

Албатта, шубҳасиз, ҳақиқатан,
дарҳақиқат, эҳтимол, шекилли, балки,
чамаси, афтидан, ҳойнаҳой, афсус,
эсиз, аттанг, бахтга қарши, менимча,
унинг сўзига кўра, айтишларича,
биринчидан, аввало, охири, ниҳоят,
демак, шундай қилиб,
аксинча, шунингдек
бинобарин, зотан





Бундай сўзлар ва бирикмалар гапнинг бошида, ўртасида, охирида кела олади ва ҳамиша вергул билан ажратиб ёзилади. Масалан: Камтар кишилар, ***албатта***, бахтли бўлади.

Менимча, одам ҳаётда бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун яшайди.



Кириш сўзларнинг маънолари

Ишонч ва тасдиқ :
албатта,
шубҳасиз,
ҳақиқатан,
дарҳақиқат

Гумон:

балки, эҳтимол,
чамаси, афтидан,
ҳойнаҳой

Шодлик ва ачиниш:
бахтимга, шукур,
афсус, бахтга
қарши

Ахборот манбаини:
менимча,
айтишларича, унинг
сўзига кўра

**фикрнинг аввалги
фикр билан
боғлиқлигини:**
демак, шундай қилиб,
хуллас, аксинча

**Баён қилинган
фикрнинг
тартибини:**
биринчидан,
аввало, ниҳоят



Дарҳақиқат, мустақилликка эришганимиздан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, биринчи навбатда, оила, оналик ва болалаикни ҳимоя қилиш масаласи энг муҳим, устувор вазифа сифатида белгилиб олинди. Маълумки, 2016 йил давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” деб эълон қилинди. 2015 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чоратadbирлари тўғрисида Фармойиши эълон қилинди.



Шубҳасиз, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилгани боис «Соғлом она — соғлом бола» дастури умуммиллий ҳаракатга айланди.



Энг муҳими, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юрtdошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуг ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим.

(Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» номли маърузасидан)



Билимлар аукционни!

- 1) Кириш сўзлар ҳақида нималар биласиз?**
- 2) Кириш сўзлардан нутқда нима учун фойдаланамиз?**
- 3) Қайси сўзлар кириш сўзлар вазифасини бажара олади?**
- 4) Кириш сўзлар қандай маъноларни ифодалаши мумкин?**



Гуруҳларда ишлаш

Танларни ўқинг ва кириш сўзларни топиб маъносини изоҳланг

1. Дарҳақиқат, ўзгаларга яхшилиқ қилишни ҳаётнинг мазмуни деб ҳисоблайдиган киши чинакам бахтли инсондир.
2. Чинакам бахт ўзингни бахтли деб ҳис қилишдир, балки.
3. Бахтимизга, юртимизда тинчлик бўлсин.
4. Афсуски, орамизда бировга ёмонлик қилиб, ўзини бахтли сезадиган кимсалар ҳам бор.
5. Айтишларича, одам бахтли яшаган кунларинигина умр деб ҳисоблар экан, қолганларини йўқ.



- *Матнни ўқинг ва кириш сўзларнинг маъноларига эътибор беринг. Матндаги асосий фикрдан келиб чиқиб, “Бахт» сўзига кластер тузинг ва фикрларинингизни асосланг*



Аввало, одам боласи бу ёруғ оламга бахтли бўлиш учун, инсонларча ҳаёт кечириш учун келади. Зеро, яхшиликка интилган одам ўзини бахтли деб билади. Бахтли бўлиш, шубҳасиз, бу – биз ўрганишимиз лозим бўлган машқдир. Мен тез-тез ўзимга “Менинг уйим бор, кимnidир сева оламан. Севимли касбим бор. Демак, мен бахтиёр одамман!” деб тасалли бераман ва, албатта, чиндан ҳам ўзимни бахтли ҳис қиламан. Агар бизни бахтли қиладиган яна нимадир бўлса, менга айтинг. Бахт, балки, сиз гапираётган сўз, ўйлаётган ўй ҳамда қилаётган ишингиз ўртасидаги уйғунликдир. Ҳаёт мазмуни, аввало, бахтиёр ва керакли инсон бўлишдан иборат?.



БАХТ

БАТАН, ОИЛА
ТИНЧЛИГИ

ЯҚИН
ИНСОНЛАРИНГ

ҚАДР-ҚИММАТ

ДЎСТЛАР

СЕРҚУЁШ ОСМОН

ЎЗАРО ҲУРМАТ

ЎЗАРО ҲУРМАТ

БОЙЛИК

МАНМАНЛИК

СОҒЛИК

КАМТАРЛИК

ОМАД

ПУЛ

ОБРЎ-ЭЪТИБ

БУ



Ижодий изланиш

Тарбия сўзлар ёрдамида фикр тартиби, манбаини ўз фикрларингизни билдиринг ва матнни давом эттиринг.

1-гуруҳ. Санъат инсон характерини шакллантиради, гўзалликка меҳр-муҳаббат уйғотади, эзгулик ва ҳақиқатнинг ғалабаси учун курашишга ундайди, чинакам инсон туйғуларини тарбиялайди.

2-гуруҳ. Бахт топиб олинмайди, бахт яратилади, бахт ҳали келмаган бўлса, у жудаям улкан, аста қадам ташлаб келмоқда. Бахт – тинчлик, бахт- соғлик, бахт – омад.



*Матнни таржима қилинг ва
кириш сўзлардан фойдаланиб,
ўз фикрингизни баён қилинг*



О счастье

По моему, человек должен сам приближать свое счастье. Иначе говоря, надо как можно раньше и как можно смелее вступать в жизнь, помнить: своими руками делается будущее. На мой взгляд, счастье начинается с уверенности, что ты нужен людям, Родине и готов им служить. Действительно, ты начинаешь чувствовать себя сильнее и готов отдаться целиком делу, которое тебе доверили. Здесь и лежит грань счастья. Большое человеческое счастье, как мне кажется, - это...



“Биз таянчимиз ва суянчимиз,
ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш
болаларимизга, фарзандларимизга
ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан
қарашни келажагимизга бўлган ишонч,
миллатимизга, халқимизга бўлган
ҳурмат-эҳтиром ифодаси деб биламиз”

И. А. Каримов.



Ҳар бир мамлакатнинг эртаси унинг нафақат турли соҳадаги салоҳияти билан белгиланади, балки соғлом, баркамол ва интеллукуал жиҳатдан етук кадрлари ҳамда жисмонан ва маънан камол топган ёшларига ҳам боғлиқ. Юртимизда азалдан аجدодларимиз она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратган.



БИЗ БАХТЛИ БЎЛАМИЗ. Муҳаммад ЮСУФ

Майли-да, кимгадир

Ёқса, ёқмаса,

Уларга қўшилиб

Йиғлашармидик.

Биз бахтли бўламиз

Худо хохласа,

Худо хоҳламаса

Учрашармидик...

Райҳон ҳидларингни

Йўлларимга сеп,

Кут мени, ҳар оқшом,

Кўкка ой чиққан.

Фақат, йиғламагин,

Гуноҳим не деб,

Айбинг — онанг сени

Чиройли туққан!..



1- гуруҳ “Қариликни донолик
безатади, ёшликни - камтарлик”
мавзусида эссе ёзади.

2-гуруҳ – “Камтар етар муродга,
манман қолар уятга” мавзусида эссе
ёзади.

3- гуруҳ – “Одамга энг яхши либос
камтарликдир” мавзусида эссе
тайёрлайди.

4- гуруҳ – “Одам бўламан десанг,
камтарликни одат қил” мавзусида
эссе ёзади.



III. Умумлаштириш

Саволлар:

- I Қандай сўзлар фикрга муносабат билдирувчи сўзлар дейилади?
- I Бу сўзларнинг маънолари қандай?
- I Уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?



Уйга вазифа. Мавзуни ўзлаштириш ва конспект қилиш. Кириш сўзлардан фойдаланган ҳолда юқоридаги мавзуларни гуруҳларо алмашиб, эссе жанрининг хусусиятлари ҳамда белгиларини эътиборга олган ҳолда тайёрлаб келиш.



ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!!!